

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
АДАБИЁТШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ

Адабиётшунос олим,
филология фанлари доктори
Жўраев Ҳабибулло Абдусаломович
таваллудининг 60 йиллигига бағишланган

ФИЛОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

мавзусидаги республика илмий-назарий
анжумани материаллари

Фарғона – 2021

Мазкур тўплам “Филологиянинг долзарб масалалари” мавзусидаги республика илмий-назарий анжумани материалларидан тайёрланган. Унда республикамиз олий таълим муассасалари профессор, олимларининг адабиётшунослик ҳамда тилшуносликнинг долзарб масалаларига бағишланган мақолалари жамланган. Шунингдек, тўпламдан ёш тадқиқотчилар, магистрант ва иқтидорли талабаларнинг илк тадқиқотлари ҳам ўрин олган. Конференция материаллари филолог олимлар, педагоглар, магистрант ва талабаларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррирлар:

Қаюмов Абдувахоб Абдурашидович,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори,
Жўраева Манзура Аҳронқуловна, филология
фанлари бўйича фалсафа доктори

Такризчилар:

Абдуғофир Қосимов, филология фанлари
доктори, профессор

Шарифахон Искандарова, филология фанлари
доктори, профессор

Нашрга тайёрловчи:

Дилафруз Пўлатова – адабиётшунослик
кафедраси кабинет мудири.

Таҳрир хайъати:

Йўлдошхўжа Солижонов, филология
фанларидоктори, профессор

Акбарали Сабирдинов, филология фанлари
доктори, доцент

Маннопов Ислombек Султoналиевич,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

Гулноза Орипова, филология фанлари бўйича
фалсафа доктори

ФарДУ Кенгаши йиғилишининг 2021 йил май ойидаги йиғилиши
қарорига мувофиқ нашр этишга тавсия этилган.

©Classic-2021

безорилар, шунингдек, бузук диний оқимдагилар билан йўлдош бўлиб қолганлар фожеаларини, ҳолатларини эслаш кифоя.

Кўринадикки, Навоий қитъалари борлиқ дунё моҳияти талқин этилган, инсон умри мазмуни шарҳ қилинган донишмандлик битикларидир. Уларни ўқиш, уқиш ҳар кишини комиллик сари етаклайди.

“САДДИ ИСКАНДАРИЙ” ДОСТОНИДАГИ ДОРО ОБРАЗИНИНГ ПРОТОТИПИ

**Акрамжон Дехқонов,
филология фанлари номзоди,
ТДЎТАУ доценти**

Алишер Навоий “Хамса”сини диққат билан ўрганилса, бу асардаги кўпгина қахрамонларнинг прототиплари шоир замондошлари орасида мавжудлигини тахмин қилиш мумкин. Шунингдек, Навоийнинг ўзи бу ҳақда очик ишоралар берган ўринлар ҳам мавжуд.

Ана шундай очик ишора қилинган ўринлардан бири “Садди Искандари” достонидаги шоҳ Доро воқеасидан кейин келтирилган Султон Абу Саид Мирзо ҳақидаги ҳикоядир.

Рум ва Рус диёрининг подшоси Файлақус вафот этиб, тожу тахт унинг ўғли Искандарга мерос қолади. Бу пайтда Рум ва Рус ўлкалари Эрондаги Каёнийлар сулоласидан бўлган подшоҳ Дорога тобе бўлиб, унга бож тўлар эди. Отасидан кейин тахтга ўтирган Искандар жуда катта ислохотларни амалга оширади. Мамлакатда адолат ўрнатди, золимдан мазлумнинг ҳаққини олиб берди. Отасининг замонида жорий бўлган халққа зарарли ишларнинг барчасига барҳам беради. Шунингдек, бошқа подшоҳлар давридан одат бўлиб қолган зулмга оид одатларни ҳам бекор қилди. Халқни икки йиллик хирождан озод этди. Ёмонларнинг жазосини берди, яхшиларни қўллаб-қувватлади. Бозорлардаги нарх-навони қатъий назорат остига олди. Йўлларни қароқчилардан бутунлай тозалади. Шу даражада адолат ўрнатдики:

Адолат қўлин тутти андоқ бийик

Ки, топти амон арслондин кийик. (1. 114-б.)

(Адолатнинг қўлини шу қадар юқори кўтардики, кийик арслондан чўчимайдиган бўлди).

Искандарнинг бундай адолат ўрнатиши жуда тез ўз самарасини берди. Рум халқига барака ёғилиб, улар бениҳоя бой бўлиб кетишди. Искандар энди бутун дунёни забт этиб, ер юзида адолат ўрнатиш фикрига тушди. Рум тахтини эгаллагандан кейинги унинг биринчи қилган иши ички душманларни бартараф этиш бўлди. Сўнгра бошқа мамлакатларни фатҳ этишни бошлади. Мағриб замин, Ҳабашистон, Фаранг диёри, Андалус, Миср, Ироқи Ажам, Ироқи Араб, Шом, Ҳалаб, Яман, Дашти Қипчоқ, Сақлоб, Рус, Эрон, хуллас, бутун ер юзини эгаллаб, адолатни барқарор қилди.

Искандар ер юзини фатҳ қилиши – эгаллаши жараёнида турли давлатларнинг подшоҳларига ўзига итоат этишни таклиф қилиб, элчилар жўнатади. Искандарнинг қудратини англаган жуда кўп ҳукмдорлар унга итоат қилиб, шу итоатининг исботи сифатида хирож юборади. Тахтга ўтирганига уч йил бўлганда унинг мамлакати ҳудуди икки-уч баробар кенгайиб, куч-қудрати ўн баробар ортди. Шу уч йил ичида Искандар отаси Дорога хирож тўлаб турганини, ўзи ҳам унга отаси каби хирож тўлаши лозимлигини ўйлаб ҳам кўрмайди.

Мана шу пайтда унинг ҳузурига Доронинг элчиси келади ва отаси Файлакус ҳар йили Дорога мингта тилла тухум ҳажмида хирож тўлаб турганини, ўша хирож уч йилдан буён тўланмаётганини, шу уч йиллик хирожни тўлаш лозимлигини эслатади.

Алишер Навоий Доронинг элчиси Искандар ҳузурига кириб келгандаги ҳолатни жуда гўзал равишда тасвирлайди. Одатда элчиликка энг ақлли, мулоҳазакор, тажрибали, дадил, садоқатли кишиларни танлаб олинади. Элчилар энг оғир вазиятларда ҳам ўзларини йўқотиб қўймайдиган, иродали инсонлар бўлади.

Доронинг Искандар ҳузурига жўнатган элчиси ҳам ана шундай фазилатларга эга эди. Лекин у Искандар ҳузурига киргач, унинг шукуҳи, маҳобати элчини лол қилиб қўяди. Элчи ич-ичидан ҳис қиладики, бу ёш подшоҳ, яъни Искандар Эрон шоҳи Дорога хирож тўлайдиганлардан эмас. Лекин у ўз бўйнидаги ҳукмдори топширган вазифани адо этади, Искандарга Доронинг хирож талаб қилиб айтган гапларини етказди. Искандар элчининг гапларидан ниҳоятда ғазабланади, юзининг ранги ўзгаради. Лекин бир лаҳза бошини қуйи солиб, ғазаб оловига ҳикмат сувини сепади. Сўнгра бошини кўтариб, ниҳоятда мулойимлик билан элчига ўзининг ҳикматга тўла жавобини айтади.

“Садди Искандарий” достонининг фақат иккита бобида, йигирма учинчи ва йигирма еттинчи бобларида Эрон шоҳи Доро ҳақида сўз боради. Йигирма учинчи бобда даставвал Доро элчисининг Искандар ҳузурига биринчи марта келиши ва унинг Дорога Искандарнинг жавобини олиб бориши баён қилинади. Иккинчи элчининг ҳам Доро томонидан Искандар ҳузурига келиши ва унинг ҳам муносиб жавобни олиб қайтиши тасвирланади.

Элчилар мақомидаги музокаралардан фойда бўлмагач, ҳар икки томон урушга ҳозирлик кўра бошлайди.

Достоннинг йигирма еттинчи боби Доро ва Искандарнинг ўзаро жангга тайёргарлик кўришлари, икки қўшиннинг тўқнашуви, Дорога ўз одамлари суиқасд қилиши ва унинг қўшинининг мағлубияти тасвирига бағишланган.

Алишер Навоий бутун “Хамса”да бўлгани каби “Садди Искандарий” достонида ҳам персонажларнинг хатти-ҳаракатларини етарли ва ишонарли тарзда асослайди. Хатти-ҳаракатлари ана шундай тўлиқ асосланган образлардан бири шоҳ Доро образидир. Доронинг Искандарга муносабати тўлиғича мантиқий асосланган. Унинг отаси Файлакус Дорога хирож тўлаб турган. У вафот этди. Унинг ўғли Искандар тахтга ўтирди. Искандар ҳам

отаси каби Дорога тобе бўлиб, унга хирож тўлаши лозим. Ақл ва мантиқ шуни тақозо қилади. Бир тарафдан караса, Доронинг талаби адолатли ва тўғри.

Достондаги яна шундай хатти-ҳаракати ишонарли ва далилланган образлардан бири Доронинг Искандар хузурига жўнатган биринчи элчисидир. Бу элчи Искандар хузурига киргач, Искандарнинг маҳобати уни довдиратиб қўяди:

*Скандар шукуҳи қилиб лол ани,
Қаю лолким, дангу беҳол ани... (1. 136-б.)*

Искандар элчининг довдираганини сезиб, диққатини ёнидаги бошқа одамларга қаратиб, уларга сўзлаб туради. Элчи сал ўзига келиб, хотиржам бўлгач, унга қараб сўз бошлайди.

Мана шу элчи Искандарнинг ўтқир жавобини Дорога етказгач, унинг ғазаб олови осмони фалакка чиқади ва элчидан Искандарнинг ҳолати ҳақида сўрайди. Элчи Искандарнинг телба ҳам, маст ҳам, ёш гўдак ҳам эмаслигини, аксинча, ниҳоятда доно ва маҳобатли ҳукмдор эканлигини Дорога очик айтади. Доро элчининг бу сўзидан ғазабланиб, уни зиндонга солишни буюради. Доронинг бу қарори хато эди. Чунки у элчининг гапини ўйлаб кўриши лозим эди. Лекин инсонлик табиати, уни эгаллаб олган ғазаб, подшоҳликнинг ҳавоси Дорони тўғри қарорни қабул қилишдан тўсди. Элчи ҳукмдорининг фойдаси кўзлаб, рост сўзлади, хушомадгўйлик қилмади. Лекин Доро ўзининг садоқатли мулозими – хизматчисининг садоқатини билмади, англамади.

Доронинг табиатини, характерини очишга хизмат қилган образлардан яна бири Бориқ Барбарий образидир.

Доро ва Искандар қўшини рўпара бўлгач, ўша даврнинг одатига кўра ҳар икки томоннинг паҳлавонлари яккама-якка жанг қилади. Искандар қўшинидан бир паҳлавон чиқиб ўзини таништиради ва ўзига рақиб талаб қилади. “Мен аввалда Доронинг қули эдим”, – деб ўзини таништиради Бориқ Барбарий. – Лекин у менинг хизматларимни муносиб қадрламади. Мендан анча паст даражада бўлганларга инъому эҳсон қилди, лекин менга эътибор бермади. Охири мен ўзимнинг аҳволимни – эҳтиёжимни шоҳга арз қилдим – етказдим. Шунда ҳам менга эътибор қилмади. Кейин ноилож шоҳдан кетишга ижозат тиладим. Ижозат сўраганимни эшитиб, менга қаҳр қилиб, таёқ билан урдириб жазолатди. Шундан сўнг у ердан кетиб, Искандарнинг даргоҳига бордим. Искандар менга шунчалик лутф-карам кўрсатдики, ҳеч иш қилмасдан бундай марҳамат кўрганимдан хижолатдаман. Мана бугун Искандарнинг тузини қандай оқлашимни кўрсатаман. Дорога ҳам қандай хизматга қодир эканимни исботлайман”. (1.178-б.).

Шу сўзларни айтиб Бориқ Барбарий майдонга тушади ва Доронинг тўққизта энг номдор паҳлавонини мағлуб этади.

Алишер Навоий мана шу тарзда воқеалар жараёнида Доронинг ҳалокатига сабаб бўлган омилларни кўрсатиб кета бошлайди. Мана шундай омиллардан яна бири Дородан зулм кўрган икки амалдорнинг хиёнатни

режалаштирганларидир. Доронинг катта хатоларидан бири ўзидан зулм кўрган кишиларга ўзига яқин туришга имкон берганлигидир. Бу икки амалдор хиёнатни режа қилган бўлиб, жангнинг энг қизгин пайтида Дорога ҳужум қилиб, унга оғир жароҳат етказди.

Шу тариқа Искандар Дорони мағлуб қилади. Доронинг жон бераётиб қилган уч васиятини амалга оширади: Унинг қотилларини қатл қилади, Доронинг қариндош-уруғини афв қилади ва қизи Равшанакка уйланади. Шундан кейин Доронинг кўшинига шундай деб эълон қилдиради: “Ким Доро даврида қанча маош олган бўлса, Искандарнинг девонига келиб маълум қилсин ва маошини тўлиқ олсин!”

Кейин маълум бўлишича, Доро ўз кўшинидаги аскарларига тайин қилинган маошнинг ярмини берар экан. Искандар эса шундай буйруқ беради:

*Дедилар бу ҳам буйла воқеъ эмиш
Ки, ҳар бир неча қатла рожеъ эмиш.
Улусқа баса ранжу таклиф ўлуб,
Кирар эрмиш ул қўлга тансиф ўлуб.
Чу Доро сипоҳига билди бу ҳол,
Деди лутф этиб шоҳи дарёнавол
Ки: “Гар расм Дарога тансифдур,
Вале бизга ул расм тазъифдур...” (1. 208-б.)*

(Яна бир нарсани ҳам айтдиларки, аскарларга ранж-оғирлик етиб, маошларининг ярмини олар эканлар. Доронинг сипоҳига бундай ҳол эканлигини билган Искандар шундай деди: “Агар Доро лашкарга маошининг ярмини берган бўлса, биз тўлиқ берамиз ва яна шунча кўшиб берамиз...”)

Яъни Искандар Доронинг кўшинига маошларини тўлиқ беришни ва яна бир маоши миқдорида кўшиб беришни буюрди.

Демак, Искандар ва Доро орасидаги воқеалар жараёнида Доронинг шоҳларга ярашмайдиган учта айби кўринади:

1. Садоқатли одамларнинг садоқатини муносиб қадрлай олмаслиги.
2. Ўзидан жабр кўрган одамларнинг катта лавозимларда туришига имконият бериши.
3. Лашкарнинг маошини тўлиқ бермаслиги, натижада уларда норозилик пайдо бўлиши.

Алишер Навоий Доро билан Искандар ўртасида бўлиб ўтган ишларни баён қилиб бўлгач, навбатдаги йигирма саккизинчи бобда ўзининг подшолар ҳақидаги фалсафий фикрларини айтиб ўтади. Элга шоҳлик қиладиган киши ҳар кимнинг ўз ҳолига яраша муомала қилиши лозимлигини, улукқа улукдек, кичикка кичикдек муносабат қилиш шартлигини таъкидлайди:

*Керак қилса, улким тилар шоҳлик,
Сипоҳ барча ҳолидин огоҳлик.
Улуққа улукча ато айласа,
Кичикка кичикча сахо айласа...
Бу қонун била бўлса ойин анга,
Топиб кишвару мулк тазйин анга. (1. 194-б.)*

Шунингдек, ўз хизматида бўлган мулозимларга ҳам жуда зийраклик билан муомала лозимлигини, муносиб бўлмаган кишиларни тақдирлаш муносиб бўлган одамларга нисбатан зулм қилиш эканлигини ҳам алоҳида айтади:

*Вале шоҳга нури фаросат керак,
Шуносалиғ ичра каёсат керак.
Ки, кимсондин олтунни фарқ айлагай,
Қизил тобадин кунни фарқ айлагай. (1. 197-б.)*

Навбатдаги йигирма тўққизинчи бобда Навоий Мовароуннаҳр ва Хуросонни охириги марта бирлаштирган қудратли теурий ҳукмдор Султон Абу Саид Мирзо ҳақида сўз юритади. Унинг мамлакатни бирлаштириш учун амалга оширган жуда улкан ишларини санаб ўтади. Абу Саид Мирзонинг қудратли ва сиёсатли ҳукмдор бўлганлигини эътироф этади, унинг кўп фазилатларини зикр қилади. Лекин шу билан бирга бу улуг подшоҳнинг бир жиддий айби бўлиб, у хазина йиғишга, мол-дунё тўплашга ишқибоз эди, дея таъкидлайди. Шунинг учун қўшиннинг маошини ўз вақтида бермас эди:

*Ҳунар кўп бериб Олимул-гайб анга,
Вале бор эди бир ажиб айб анга
Ки, махзан йиғарга солиб майлини,
Тутар эди танқис ила хайлини.
Ул андешадин кўнгли хурсанд эди,
Сипаҳ шоҳдин норизоманд эди... (1. 199-б.)*

Шунинг учун Озарбайжонга қилган юриши вақтида қўшин оғир аҳволга тушиб қолганда, Абу Саид Мирзонинг атрофидаги одамлари душман томонга ўтиб кетади. Натижада у мағлуб бўлиб, душман қўлига асир тушади ва қатл этилади.

Султон Абу Саид ҳақидаги ҳикоятнинг дostonдаги Доро воқеасидан бевосита кейин келиши бебабаб эмас. Доро ҳам, Абу Саид Мирзо ҳам жуда ҳашаматли, қудратли ва шафқатсиз ҳукмдорлар бўлишган. Ҳар икки ҳукмдорнинг сиёсат юргизишида, қўл остидагиларга муносабатларида кўп ўхшаш жиҳатлари мавжуд.

Алишер Навоийнинг ўзи Султон Абу Саид Мирзони бевосита кўрган, унинг сиёсати – зулмини ўз бошидан ўтказган. Бу ҳукмдор табиатидаги ижобий ва салбий хислатлардан жуда яхши хабардор бўлган.

Шунинг учун Навоий “Садди Искандарий” дostonида Доро образини яратишда Султон Абу Саид Мирзога хос бўлган кўпгина жиҳатларни олганлигини кўришимиз мумкин. Тарихий манбалардан маълумки, Абу Саид Мирзо жуда қаттиққўл, шафқатсиз ҳукмдор бўлган. Кичкина гуноҳ учун оғир жазолар берган. Натижада унинг яқинидаги одамлар ҳам доим кўркувда турган. Бу нарса эса ҳукмдорга нисбатан хиёнат содир бўлиши эҳтимолини оширган. Хиёнат содир ҳам бўлган. Демак, ҳукмдорнинг одамлари унга охиригача садоқат кўрсатишлари учун биринчи навбатда унга ишонишлари керак. Шу ишонч бўлмаса, энг оғир пайтда ҳукмдор ҳимоясиз – мададсиз қолиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонидаги шоҳ Доро образини яратишда ўз замондоши Султон Абу Саид Мирзонинг характеридаги кўпгина жиҳатларни олган. Шу билан бирга Доро образини ўзининг ижодий фантазияси билан бойитиб, қудратли, шафқатсиз, айна пайтда оқил ва шижоатли ҳукмдор сифатида тасвирлайди. Алишер Навоий бу образни бор-йўғи дostonнинг икки бобида қатнаштиради. Лекин бизнинг тасаввуримизда у бутун қиёфаси, ички дунёси, афзалликлари ва камчиликлари билан намоён бўлади. Буюк адиб бу образни шу қадар ҳаётий ва мукамал тасвирлайдики, гарчи Доро образи салбий образ бўлса-да, беихтиёр унга ҳурмат назари билан қарай бошлаймиз. Бунинг сабаби, Доро ўзининг боши узра кўтарилган қилич сермалган вақтда ғафлат уйқусидан уйғонди. Навоий мана шу драматик манзарани бизнинг кўз олдимизда жуда гўзал тарзда тасвирлаб берган.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Мукамал асар тўплами. Йигирма томлик. Ўн биринчи том. Тошкент, Фан.1993.
2. Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1969.
3. Саримсоқов Б. Бадиийлик асаослари ва мезонлари. Тошкент, 2004.
4. Ўзбек классик адабиётида Алишер Навоий анъаналари. Илмий асарлар тўплами. Тошкент, 1982.

ИЖОДКОР ШАХС ВА ИЖОД МАШАҚҚАТИ

**Г.Мухаммаджонова,
ФарДУ доценти, ф.ф.н.,**

Мухамедова Маҳлиёхон, ФарДУ талабаси

Ижодкор бетакрор шахсият соҳибидир. Бадиий ижод психологияси, ижод жараёни, ижодкор табиати масаласи хориж адабиётшунослигида анча чуқур ўрганилган [1]. Ўзбек адабиётшунослигида [2] ҳам қизғин ўрганилаётган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада ўзбек маърифатпарвар ижодкорларининг қарашлари ҳам ўзига хос. Айниқса, Абдулла Қодирийнинг ижод масъулияти, ижодий жараёни, тасвир усуллари танилаш ва қўллаш тўғрисидаги адабий-назарий қарашлари эътиборга моликдир.

“Ҳақиқий ёзувчи бўлмоқ учун турмушни ҳар тарафлама ўрганиш, бунинг учун унинг ҳар соҳаларидан хабардор бўлиш керак” [3] – дея таъкидлаган Абдулла Қодирий ижодкор дунёқарашининг кенглиги, тафаккур оламининг бойлигини кузатувчанлик қобилияти билан боғлайди. Дарҳақиқат, ноёб бадиий топилмалар, фавқулодда образли диалоглар, характерли бадиий деталлар айнан синчковлик билан кузатиш ҳосиласидир. Хусусан, Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикоясида қўлланган ва машҳур иборага айланиб кетган “Йўқолмасдан аввал бормиди?” жумласи ҳам ёзувчининг кузатишлари

МУНДАРИЖА

1-ШЎЪБА. Адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари		
Nasirov A.N.	Pirimqul Qodirovning “Ona lochin vidosi” romanida xronotop.....	6
Қодиров В.	Умр мазмуни шарҳ этилган битиклар.....	9
	“Садди Искандарий” достонидаги Доро образининг прототипи.....	12
Дехқонов А.		
Муҳаммаджонова		
Г. Муҳамедова М.	Ижодкор шахс ва ижод машаққати.....	17
Абдурахмонов А.	Насрий асарларда ранг.....	20
Жўраева М.	Рухиятнинг эврилиш жараёнлари.....	23
Қаюмов А.	“Ўткир қалам” сирлари.....	27
	Эркин Воҳидов шеърларининг ритмик хусусиятлари.....	30
Орипова Г.		
Saidakbarova M.	Abu Homid G‘azzoliyning “Risolat at-tayr” asarida keltirilgan qur’oni y iqtiboslari tahlili.....	32
Juraqo‘ziyeva V.	Umar Xayyom ruboiylaridagi yetakchi mavzular.....	37
Mo‘ydinova Sh.		
Ҳайдарова Г.	Жангда шижоат, тахтда адолат тимсоли.....	40
Jo‘rayev I.	Oila qo‘rg‘onining beminnat tayanchi.....	43
Toshboltayeva T.	Jaloliddin Rumi y hikmatlarida komil inson masalasi.....	45
Abduhamidova D.		
	Болалар репертуаридаги мавсумий ўйин-кўшиқлари хусусида (“Ҳалинчак” ўйин-кўшиғи мисолида).....	48
Эсанов А.		
Барзиев О.	XIX аср охири – XX аср бошлари фарғона водийси шеърлятида миллийлик ифодаси.....	50
	Ҳикояда анъанавий сюжетнинг янги талқини.....	53
Сидиқова Ш.		
	“Тубсиз осмон” кассасида бола руҳияти талқини.....	57
Умурзаков Р.		
Ahmadjonova O.	“Chinor” romanida davr ruhiyati tasviri.....	60
	Ўзбек романчилигида Машраб образи талқини.....	62
Хамидов М.		
	Maqsud Qoriyevning xarakter yaratish mahorati.....	65
Ma‘murova M.		
Abdullayeva G.	Bolalar she‘riyatidagi izlanishlarga doir.....	68
Abduraxmonov A.K.	Tabiat va inson munosabati tasviriga doir.....	70
	Tarix va badiiyat (Xayriddin vning “Saodat sohili” qissasi asosida).....	72
Marasulov K.K.		
	Anvar Obidjonning nasriy asarlarida bolalar obrazi talqini.....	75
Muxtoraliyev B.		
	Ulug‘Bek Hamdamning “Isyon va itoat” romanida ayollar obrazining o‘ziga xosligi.....	77
Хакимова F.		

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
АДАБИЁТШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ**

**Адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Жўраев
Ҳабибулло Абдусаломович таваллудининг 60 йиллигига бағишланган
ФИЛОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ
мавзусидаги республика илмий-назарий анжумани материаллари**

Босишга рухсат этилди: 2021 й. Нашриёт босма табағи –12,9.
Шартли босма табағи –6,4 Бичими 60x84 1/8. Адади 100.
Баҳоси келишилган нарҳда.
«Poligraf Super Servis» МЧЖ
150114, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Авиасозлар кўчаси 2 -уй.